Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 август, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 152 (900)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 август куни БМТнинг Афғонистондаги Махсус миссияси раҳбари, БМТ Бош котибининг махсус вакили Маҳмуд Мистирийни ҳамда БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни мувофиқлаштирувчи бюроси директори Миссурис Сотирисни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.



Суҳбат чоғида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий можароларни, жумладан, Афғонистондаги ҳамда Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мустақил давлатлар ички ишларига аралашмаслик, можароларни сиёсий музокаралар йўли билан бартараф этиш, минтақада барқарорликни қарор топтириш юзасидан тутган сиёсати баён қилиб берилди.

Жаноб М. Мистирий Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун БМТнинг доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

**Суратда: қабул пайти.**

**А. Зуфаров олган сурат (ЎзА).**

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

*Жерар Буайне-Видаль:*

## "ФЕРМЕРЛАРИНГИЗ ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИШАДИ"

**ОҚ ОЛТИН туманидаги фермер хўжаликларига бир гуруҳ француз мутахассислари ташриф буюришди. Улар Европа Техник ҳамкорлик иттифоқи — "ЕС ТАСИС"нинг хусусий фермерларни қўллаб-қувватлаш дастури асосида маҳаллий қишлоқ тадбиркорларига амалий ёрдам кўрсатадилар. Бу ҳақда дастур директори Жерар Буайне-Видаль қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— АВВАЛО шуни айтиш лозимки, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг мақбул йўли танланган. Иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши ҳар томонлама ишончли ва фойдали эканлиги жаҳон тажрибасидан маълум. Жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юз бераётган янгиланишларни, яъни хусусийлаштиришни шу жараённинг илк босқичи дейиш мумкин. Бизнинг ташрифимиздан мақсад ҳозирги қийин даврда фермерларга амалий ёрдам беришдир. Шуни мамнуният билан эътироф этаманки, бизнинг кўмагимиз Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати томонидан катта эътибор билан қўллаб-қувватланди.

Дастлабки таассуротларимиз ижобий: ўзбек фермери меҳнаткаш, ўз ишини яхши билади. Хўжалигини ривожлантириш учун етарли унумдор ерга эга. Демак, ҳадемай фермерларингиз халқни озиқ-овқат м ҳсулотлари билан бемалол таъминлай оладилар. Бунинг учун фақат маҳсулот етиштириш эмас, уни қайта ишлаб сотишни ҳам билиш керак. Ёрдам дастуримизнинг асосий мағзи ҳам шу: фермер хўжаликлари учун маҳсулот биржаси яратишдан то озиқ-овқатни истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган замонавий тизимни йўлга қўйишда кўмаклашишдир.

Ўзаро келишувларга биноан дастуримизни ҳозирча икки вилоятда — Фарғона ва Сирдарёда амалга оширамиз. Экспертларимиз Оқ олтин туманидаги бир неча фермер хўжаликларининг фаолиятлари билан танишиб, икки йил давомида улар билан бирга ишлашга қарор қилишди. Улар "Томпсон гуруҳи" номи билан жаҳоннинг бир неча мамлакатларида танилганлар. Гуруҳнинг ярми Фарғонада, ярми Сирдарёда бўлади. Умуман, икки йил давомида ушбу ёрдам дастурини амалга ошириш учун 90 нафардан зиёд эксперт-мутахассислар келиб-кетишади. Улар турли йўналишда ихтисосликка эга бўлган кишилардир. Яъни бири гўштчилик мутахассиси бўлса, яна бири сутчилик соҳаси билимдони ва ҳоказо.

Ёрдам дастурининг молиявий таъминотини Европа Техник ҳамкорлик иттифоқи ўз зиммасига олган. Бу кўмак учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди. Асосий ниятимиз келгусида Ўзбекистон фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан нафақат ўз мамлакатларини, балки чет давлатлар халқларини ҳам хурсанд қила олсинлар. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Энг муҳими уларнинг ривожи учун мамлакат раҳбарияти катта ғамхўрликлар қилмоқда, фаолият ва ҳуқуқлари ҳимояси қонун асосида кафолатланган.

**"Халқ сўзи" мухбири А. ШЕРНАЗАРОВ ёзиб олди.**

***Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида "Фарҳод" фирмаси магазини очилди. Бу ерда фақат фирмада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилади. Харидорларга тавсия этилаётган моллар жуда хилма-хил, сифати ҳам яхши.***

## «ФАРҲОД» ФИРМАСИ УСТАЛАРИ

*Ёш тадбиркор Фарҳод Қурбонов ташкил этган фирманинг бир неча цехи бор. "Ўзбекистон мустақиллиги" давлат хўжалигида жойлашган бу фирма 1992 йилда керамзит блоклар ишлаб чиқара бошлаган эди. Шу сабабли, бу йил фирма фаолиятини кенгайтиришга қарор қилинди. Эндиликда фирма болалар ва катталар учун кийимлар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари тикиб чиқармоқда.*

*Фирма олинаётган фойданинг бир қисмини хайрия мақсадларига сарфламоқда. Шу ердаги мактабнинг 80 нафар энг яхши ўқувчиси "Фарҳод" фирмасидан стипендия олади. Йил бошидан буён республикадаги бир қанча хайрия жамғармасига минг-минглаб сўм-купондан кўпроқ пул ўтказилди.*

● *Иқтисодиёт чорраҳаларида*

## БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН РЎЗҒОРБОП БУЮМЛАР

Бу ерда сўнгги йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор билан қаралмоқда.

Корхонанинг ўндан ортиқ асосий цехида 100 га яқин буюмлар: сирланган идиш-товоқ, мих, газ плиталари қурилмалари, йиғма ўриндиқлар, чўян панжаралар, сўрилар, пойабзал таъмирлаш мосламалари, болға, хуллас рўзғорга зарур анжомларни тайёрлаб, фирма дўконлари орқали савдога чиқариляпти.

Ҳозир республикамиз вилоят ва шаҳарлари масалан, Шаҳрихон, Урганч, Қўқон, Каттақўрғон шаҳарларида заводнинг фирма-дўконлари очилган.

**Турсунали УСМОНОВ,**
**"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.**




### 2 СЎМ ЁНИМИЗГА ҚОЛДИ

**Дадахон ЭРГАШЕВ, Тошкент тумани, Келес шаҳри:**

— Туманимиздан пойтахтга қатнаб ишлайман ва техника дорилфунунининг кечки бўлимида таҳсил оламан. Шаҳарчамизга Тошкентнинг Чорсу бекатидан бир неча автобус қатнайди. Бироқ транспорт белгиланган вақтда бўлмаслиги боис йўловчи машиналарда келиб кетишимизга тўғри келади. Ишга ёки уйга шошаётганимизни сезган баъзи бир безбет ҳайдовчилар маршрутдаги автобусларни 3 сўмлик "буюртма" автобусига айлантиришади. 26 июль куни эрталаб Келес автокорхонасига қарашли 86-98 ТШМ автобусида 40 тийин ўрнига 1 сўмга манзилимизга етиб келдик. Ҳартигул ҳайдовчи инсофли экан, 2 сўм ёнимизга қолди...

### ЧУҚУР КАВЛАНГАН. НИМАГА?..

**Нозим НОСИРОВ, М. Улуғбек тумани, Марказ — 1, 26-уй:**

— Уч йил бурун даҳамиздаги 26-17 уйлар оралиғидаги йўлакни кесиб, 2 метрлар чамаси чуқур кавланган эди. Фарзандларимиз шу йўлакдан мактабга қатнайди. Чуқур нима мақсадда кавланган ва нима учун шу пайтга қадар кўмиб ташланмаганлиги бизга номаълум.

### НА ТАРТИБ БОР, НА НАВБАТ

**Ю. ИСКАНДАРОВ, Хива тумани, Беруний номли жамоа хўжалиги:**

— Урганч қурилиш материаллари заводидан пулини аллақачон тўлаб қўйган бўлсангиз ҳам керакли нарсангизни ўз вақтида ололмайсиз. Негаки, бу ерда на тартиб бор ва на навбат. Бойваччалару раҳбарларнинг ошно-оғайнилари бунга йўл беришмайди ҳам.

### ҲОКИМЛИККА УЧРАБ ЧАРЧАДИК

**Баҳодир ТУСУНОВ, Зангиота тумани, А. Икромов жамоа хўжалиги, Рамадон қишлоғи:**

— Катта йўлдан Рамадон насос станциясигача 2,5 чақиримлик масофа жуда ёмон аҳволда. 5 минг кишидан зиёд аҳоли яшайдиган қишлоқ болалари 5 чақирим йўл босиб пиёда мактабга қатнашади. Ёрдам сўраб туман ҳокимлигига учрайвериб чарчадик.

### ЁЗИЛМАГАН ТАРТИБ

**Хурсаной ҚОСИМОВА, Шеробод тумани, Қодиров жамоа хўжалиги:**

— Колхозобод даҳасидаги хўжалик идораси ёнидаги озиқ-овқат дўконида меъёрлаштирилган маҳсулотлар ўз вақтида берилмайди. Масалан, йил бошидан буён совун берилмади, онда-сонда келадиган ун, шакар, ёғ ҳам аҳолига бир кун сотилади. Иккинчи кун борсангиз — йўқ.

### НАФСИ ЎПҚОН ҲАЙДОВЧИ

**Муҳиддин ТЎХТАБОЕВ, Гулистон шаҳри, 3-кичик туман:**

— 26 июль куни хизмат юзасидан Сирдарёга йўл олдим. Гулистон автошоҳбекатидан 73-96 рақамли автобусга 1 сўму 50 тийинга чипта олдим. Ҳайдовчи автобус "тўхтамас" эканини эълон қилди. Йўлга чиқиш олдидан автобусда чипта олганлардан ташқари 25 чоғли йўловчи бор эди. "Тўхтамас" автобус тўхташни вилоят касалхонаси бекатидан бошлади. Сирдарё тумани ҳудудига етганимизда, автобус салони танга ташласа ерга тушмайдиган ҳолга келди. Ўша куни Сирдарёга 3-4 чақирим қолганда автобус бузилиб қолди. Қизиқ, 36-40 йўловчи ўрнига 120-130 кишига хизмат қилган ҳар қандай автобус ҳам бузилиши тайин-ку! Эҳтиёт қисмлар йўқ, дея аюҳаннос солган ҳайдовчилар ўз ҳамёнларини эмас, автобус эртага ҳам кераклигини ўйлаб иш кўришса яхши бўларди.

### УР-ЙИҚИТДА ЕНГСАНГИЗ, МАРРА СИЗНИКИ

**Х. РАҲИМОВА, М. АКБАРОВ, М. ЮНУСОВА, С. Раҳимов тумани Жомий кўчаси, 8-Март маҳалласи:**

— Маҳалламизда 40-дўкон филиали жойлашган. Бу ерда меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида берилмайди. Маҳсулот келган куни ур-йиқит билан керакли нарсангизни ололсангиз марра сизники. Кейинги куни эса қуруқ қоласиз.

**"Халқ сўзи" мухбири Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи ёзиб олди.**

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ✳ ФАКТЛАР ✳ ВОҚЕАЛАР

### "ТРАНСАЭРО" САМОЛЁТЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ОСМОНИДА

**Россиядаги давлатга қарашли бўлмаган "Трансаэро" авиакомпанияси самолётлари 1 августдан бошлаб "Москва-Тошкент-Москва" йўналиши бўйича мунтазам қатнай бошлади. Қатновни Тошкент халқаро аэропортига қўнган "Боинг-737" самолёти бошлаб берди.**

"Трансаэро" авиакомпанияси МДҲ мамлакатларидаги шаҳарлар билан Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасида Москва орқали ҳаво кемалари қатновини ҳам ташкил этди.

Ҳозирча "Трансаэро" Тошкентдан МДҲдаги бошқа шаҳарларга ҳафтада тўртта рейсни режалаштирмоқда. Кейинчалик уларнинг сони олтитага етади.

### "ҲИСОР" ҚОРАБАЙИРЛАРИ

**Қашқадарё вилоятидаги "Ҳисор" хўжалигида етиштирилаётган отларнинг донғи республикамиздан ташқарида ҳам ёйилган.**

Ҳозир хўжаликда мингга яқин қорабайир боқилмоқда.

"Ҳисор" — кўп тармоқли хўжалик. Бу ерда отлардан ташқари қоракўл қўйлар боқилади, етти минг гектар ерда буғдой етиштирилади. Шунингдек, хўжаликнинг 250 гектарлик боғи ҳам бор.

### ДОН МЎЛ БЎЛДИ

**Бўз тумани деҳқонлари бу йилда 116 гектар майдонга маккажўхори экишган эди. Миришкорлар экинининг ҳар гектаридан 60 центнердан "Қаҳрабо дон" ва 180 центнердан силос олишни мўлжаллашмоқда. Аксар макка дони етиштириш учун ажратилган ерлар фермер деҳқонларга бўлиб берилган.**



**СУРАТДА: механизатор У. Исмоналиев.**

### ЯНГИ МАКАРОН ЦЕХИ

**Наманган вилоятининг Косонсой тумани аҳолиси эндиликда ҳақиқий италянча макарондан таом тайёрлаш имконига эга бўлади.**

Бу ерда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишга тушди.

Янги цех ускуналари Италиядаги "Торвель" фирмасидан сотиб олинган. Цехда бор-йўғи уч киши ишлайди. Косонсойда жорий этилган Италия технологияси юқори сифатли 11 хил макарон маҳсулоти ишлаб чиқариш имконини беради.

### КЎҲИТАНГ БАҒРИДА УЗУМЗОР



**Музрабод туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги миришкорлари агротехник қоидаларига амал қилганлари туфайли боғ ва далаларда мева, полиз маҳсулотлари кутилгандан кўпроқ етиштирилди. Ҳозир хўжалик узумчиликка ихтисослаштирилаяпти. Кўҳитанг тоғ ён бағирларида боғлар барпо этилаяпти. Олди ҳосилга кирди.**

**СУРАТДА: хўжалик ишчиси Б. ҚАҲҲОРОВА.**

### "ЧОРТОҚ" ЧОРЛАМОҚДА

**Бу йил 15 мингдан ортиқ киши "Чортоқ" санаторийсида дам олиб, соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.**

Наманган вилоятидаги бу соғломлаштириш маскани Ўзбекистонда кўпчиликка яхши маълум. Мусаффо тоғ ҳавоси билан малакали муолажа дам олувчиларнинг соғлиғини тез мустаҳкамлайди.

ЯНГИЛИКЛАР



• *Мозийдан садо*

# ЧИНГИЗХОН ВАЙРОН ЭТГАН КАРВОНСАРОЙ

**Зомин туманининг Шўрча ва Ғўлба қишлоқлари оралиғида жойлашган тепалик улкан тарихий иншоот ўрни — ота-боболаримиз томонидан етти-саккиз аср муқаддам бунёд этилган манзилгоҳ қолдиқлари.**

Туман ҳудудида археологик ёдгорликларни аниқлаш, рўйхатга олиш ҳамда ўрганиш ишлари билан шуғулланаётган республика Фанлар академиясининг Я. Ғуломов номидаги археология институти олимлари ана шундай хулосага келишди. Илмий муассасанинг Зомин илмий-тадқиқот гуруҳи бошлиғи, тарих фанлари номзоди Алексей Грицина топилдиқни шундай изоҳлади:

— Маҳаллий аҳоли томонидан Тўрткўлтепа деб юритилувчи мазкур археологик ёдгорлик ўз аҳамиятига кўра жуда катта тарихий манбадир. Маълумки, XII – XIII асрларда Усрушона давлати ҳам Мовароуннаҳрдаги каби улкан маданият ва маърифат ўчоғига айланган эди. Хитойдан Буюк ипак йўли бўйлаб чиққан карвонлар Фарғона ва Чочдан чиқиб, Сўғдга, Хоразм ва ҳатто Оврўпо мамлакатларига бораётиб, Усрушона ҳудудидаги энг катта манзиллардан бири бўлган мазкур карвонсаройда бир дам тўхтаб ўтган. Тўла-тўкис сақланган ёдгорлик мажмуи 110 кв. метрлик ҳажмдаги майдонни ўз ичига олган бўлиб, атрофи пахса ва хом ғиштдан мустаҳкам девор билан ўралган. Ички қисмидаги пишиқ ғиштдан тикланган қатор иморатлар эса карвонсарой вазифасини бажарган.

— Ушбу ёдгорлик ўз даврига кўра ўта ноёбдир, — дейди гуруҳ аъзоси, институт илмий ходими Валерий Набоков. — Ҳозиргача тўла-тўкис сақланган ва йирик бўлган бундай карвонсаройлар Туркманистонда "Дояхотин" ва Кармана шаҳри яқинидаги "Работи Малик" деб юритилувчи ёдгорликлар ҳисобланар эди. Тўрткўлтепа ҳажми жиҳатидан улардан ҳам йирикроқ. Карвонсарой 1221-22 йиллардаги Чингизхон истилоси даврида вайрон этилган ва қайта қад ростлай олмаган.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Жиззах вилояти ҳудудида ҳозиргача Фориш туманидаги Калтепа карвонсарой ёдгорлиги ва Зомин тумани ҳудудидаги Култепа — кўҳна шаҳар харобаларига тааллуқли карвонсарой ёдгорлигигина маълум эди. Юртимиз тарихидан сўйловчи ноёб иншоот бўлмиш Тўрткўлтепа ёдгорлигини ўрганиш мақсадида археологик қазилмалар ташкил этиш мозийнинг ҳали бизга маълум бўлмаган маълумотларини ошкор қилса, иккинчидан, қадим аждодларимизнинг бугунги авлодларига мерос қилиб қолдирган маданияти изларини очиши, шубҳасиз.

Юртимиз тарихи тилсимларга тўла. Бизга маълум бўлмаган жуда кўп тарихий ёдгорликлар, манзилгоҳлар борки, уларни излаб топмоқ, фан оламига маълум қилмоқ, ҳижжалаб тадқиқ этмоқ керак.

Кейинги икки йил мобайнида академия археология институти олимлари томонидан Ўрта асрларда Усрушона номи билан юритилган, ўз даврида Хитойда ҳам элчилари вакиллик қилган жуда катта жуғрофий давлат ўрни тадқиқ этилмоқда. Фарғона, Чоч ҳамда Сўғд ўртасидаги тоғли ҳудуд — Туркистон тизмасининг шимолий ён бағирлари бундан 1500-1600 йиллар бурун Усрушона номи билан аталган ҳамда ўз ҳокимлиги, туғи, туғроси, пулларига эга бўлган.

Ўрта Осиёга ислом динини олиб келган араб истилочилари ҳам ана шу тоғларда энг катта қаршиликка дуч келишган эди. Араб сайёҳи Ал-Муқадасийнинг (X-аср) ёзишича, Усрушонада бир неча ўн минг аҳоли истиқомат қилиб, Дизак, Зомин, Ховос, Вагат, Шавғар, Марсманд каби кўплаб шаҳарлар яшнаб турган. Давлат ҳудудидаги мавжуд 400 дан зиёд қалъалар жуда мустаҳкам эди.

Археологлар ўз олдиларига ўша қадим шаҳарларнинг ўринларини аниқлашни мақсад қилиб қўйишган эди. Жумладан, Дизак, Зомин, Ховос, Вагат каби шаҳарларнинг ўрнини бир қадар жуғрофий жиҳатдан асосласа бўлади. Олимлар, ҳатто Усрушонанинг бош шаҳри — пойтахт Бунжикентнинг ўрнини ҳам аниқ айтиб беришади. Лекин Шавғар, Марсманд шаҳарлари фанда маълум эмас эди.

Молгузор тоғ тизмасининг шимолий ён бағирларида, Пешиғорсойнинг юқори қисмида археологик қидирув ишларини якунлаган тадқиқот гуруҳи бу ерда йигирмадан зиёд археологик ёдгорлик комплексини — қадим манзилгоҳлар ўрнини аниқлашди. Жумладан, Шавғар шаҳрининг ўрни Бош Бешиғор қишлоғи ҳудудидаги тепаликлар остида эканлиги айтилди. У ердан топилган сопол буюмларнинг синиқлари, зардуштийларнинг таомили бўлган кўмилган хумсотадонлар уларнинг фикрларини тасдиқлади.

Олимлар тезлик билан бу манзилгоҳларда археологик қазишмаларни бошлаш лозимлигини таъкидлашди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси ходимлари эса қадимги аждодларимиз яшаган жой — Пешиғор ғори ҳамда Шавғар шаҳристонининг қадимги харобалари билан таништирмоқ мақсадида сайёҳлар учун мўлжалланган сафарномаларга ушбу манзилгоҳларни қайд этиш лозимлигини билдирдилар. Мазкур компания вакиллари Зомин туманидаги тарихий ўлкашунослик музейи ҳамда хонадонларда бўлишиб, маҳаллий аҳоли сақлаб келаётган анъаналар ва қадимий ёдгорликларни назардан ўтказдилар, сайёҳларни Зомин тоғларининг гўзал ва ажойиб гўшаларига ҳам жалб этиш лозимлигини билдирдилар.

Қадимги Усрушонанинг бугунги ҳикоялари сайёҳларнинг ҳам, шу юрт эгаларининг ҳам маънавий ва моддий мулкига айланмоғи қувончлидир. Тарихнинг сирли қатламлари ҳам юз оча бошлади.

**Саттор ҚОРАБОЕВ,**
**журналист.**





## ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлимига қарашли "Темирйўлчи" болалар оромгоҳи хушманзара Чодак қишлоғида жойлашган. 36 йилдан буён темирйўлчиларнинг фарзандларига ёзги таътил даврида хизмат кўрсатиб келаётган ушбу масканда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Ҳар сменада 300 дан ортиқ жажжилар дам олиб,, саломатликларини мустаҳкамлашмоқда. Терапевт ва бошқа шифокорлар, тиббий ҳамширалар болалар соғлиғидан бохабар бўлиб туришибди. Оромгоҳ вилоят марказидан четда бўлганлиги эътиборга олиниб тез тиббий ёрдам кўрсатиш машинаси ажратилган. Бундан ташқари бу ерда турли кўнгилочар тадбирлар, саёҳатлар, спорт мусобақалари ўтказиб турилибди. Яқинда бўлиб ўтган "Сув худоси" ўйини дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Суратларда: "Темирйўлчи" болалар оромгоҳидан лавҳалар.

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**

# АЙТМАТОВ: "ЎША ҚУШЛАРГА ЎХШАБ МЕН ҲАМ ЭЛИМГА ҚАЙТИШНИ ҚЎМСАБ ЮРИБМАН..."

**Турон заминининг бу салоҳиятли фарзанди асарларининг ихлосмандлари йил сайин ортиб бормоқда, адиб яқинда янги роман ёзди.**

Бир неча йилдирки, дунёдаги қатор мамлакатларда ташкил этилган "Айтматов клублари" ёзувчи асарларининг янада кенг ёйилишига имкон яратмоқда. "Айтматов клублари" халқаро ассоциацияси ҳомийлигида шу йил бошида Бишкек шаҳрида "Халқаро Айтматов ижтимоий академияси" тузилган эди. "Академиянинг мақсади жаҳон адабиётини, Чингиз Айтматов ижодини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш, фан, маданиятни ривожлантириш ва Қирғизистон халқининг маънавий имкониятларини очиб беришдан иборатдир", дейилади унинг низомида. Академиянинг асосий вазифаларидан бири Чингиз Айтматовнинг бадиий асарларида, фалсафий ва публицистик мақолаларида (чиқишларида) қайд этилган ғояларни кенг ёйишдир.

Жаҳонда таниқли 17 адиб Академиянинг фахрий аъзолари қилиб сайланган.

1989 йил октябрь ойида Қирғизистон Республикасининг Талас шаҳрида ташкил этилган клуб ўз иш услуби билан жаҳондаги бошқа клублардан тубдан фарқ қилади.

Унга Айтматов истеъдодини ардоқловчилар ўз ихтиёрлари билан бирлашишган. Клубда улкан замондошимиз асарларининг турли йўналишлар бўйича ўнлаб секциялар ишлаб турибди. Клубнинг ташаббуси билан 8 жилдлик "Айтматов" энциклопедияси тузила бошлаган эди. Яқинда қомуснинг биринчи китоби нашрдан чиқди. Ёзувчининг отаси, қирғиз зиёлиси Тўрақул Айтматовнинг 90-йиллик маъракасини ўтказишга бағишлаб китоб чоп этиш, хроникал кинолента яратилишида ҳам клуб аъзолари ташаббус кўрсатишди.

Яқинда клуб аъзоларининг Чингиз Айтматов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ўз мухлисларининг саволларига жавоб қайтарди:

— Дунёда армонсиз кишини топиш қийин, — деди адиб.— Бошқача айтганда, армон инсон онгининг дунёси. У чексиз — унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Армон тугадими, ўша инсоннинг олами ҳам тугайди. Демак, кишининг ташқи кўринишини, турқи-тароввати ўзгармаса-да, унинг онги, ички дунёси, мушоҳада қобилияти доимо ривожланиб ўзгариб тургани маъқул. Япон файласуфи Икэда XXI аср ақл-идрокнинг янги бир турининг бошланиш даври бўлади деб бежиз айтмаган.

**— Асарларингизни асл қўлёзмалари қаерда? Улар қандай ном билан аталганидан бехабармиз. Бунинг устига матншунослик фани учун ҳам қўлёзмаларнинг асл нусхалари керак эмасми? деган саволларга адиб қуйидагича жавоб қайтаради.**

— Ростдан ҳам бу нарсага ўша пайтларда кўп аҳамият бермаган эканмиз. Бунинг устига у ёқдан бу ёққа кўчиб юравериб, талай қўлёзмаларни йўқотдик. Лекин бу соҳада чет эллик ёзувчилар жуда пухта экан. Уларнинг қайси қўлёзмаси қаердалиги аниқ — компьютерлар хотирасига солиб қўйгани учун кнопкани боссангиз бас, кўз ўнгингизда матн намоён бўлади.

"Жамила"нинг қўлёзмасини ўзим ҳам тополмай юрибман. Маълумки, бу қисса дастлаб қирғиз тилида "Нидо" номи билан босилиб чиққан эди. Кейин русчага таржима қилиниб, Москвада босилганда "Жамила" деб аташни таклиф қилишган.

**— "Қушлар қайтганда" деган ҳикоянгиз нима учун қирғиз тилида чиққан тўпламларингизга кирмай қолган?**

— Ўша қушларга ўхшаб мен ҳам элимга қайтишни қўмсаб юрибман. Чунки қайта қуришдан сўнг 3-4 йилгача қўлимга қалам ололмадим. Яқинда бир роман ёзиб тугатдим. Ростини айтсам, роса қийналдим. Умримда биринчи марта ёзаётгандай шубҳа-гумонлар қамраб олди. Русчаси "Кассандра тамғаси" деб номланган бу асарнинг қирғизча номини "Эркин туш йўйиш" деб атамоқчиман. У космополитик руҳдаги ўткир воқеаларга тўла, фалсафий асардир.

Роман Европада тўрт жойда босилиб чиқади. Романда терминлар кўп бўлганидан уни ўзим қирғиз тилида қайта ёзмоқчиман. Унинг қалам ҳақини шу клубга беришга қарор қилдим. Насиб қилса, юртимга келгач, Куркуров сойининг шовқини остида романимни ўз она тилимда ёзиб тугатсам деган ниятим бор.

Ҳозир ёзувчи Люксембургда. Айтматов Европа мактабининг юқори синфларида таълим олаётган ўғли билан қизининг ўқиши тугаши биланоқ ватанига қайтишни ният қилган.

**Суюн ҚОРАЕВ,**
**ЎЗБЕКИСТОН ФА тилшунослик институтининг катта илмий ходими.**

## ТЎҚБОЙ САНАТОРИЙСИ

ЯККАБОҒ туманидаги Жуман Меҳлиев номли жамоа-ширкат хўжалигининг Тўқбой қишлоғи туманнинг ўзига хос дарвозаси ҳам саналади. Бу ерда етмишинчи йилларнинг ўрталарида ҳурматли меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган чоққина шийпон қурилганди. Кейинчалик ана шу шийпон кенгайтирилиб, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонага айлантирилди. Ушбу ҳашаматли меҳмонхонадан ҳам тор доирадаги, нуфузли қатламдаги кишиларгина баҳра олиб келади.

Яқинда 15 гектарлик соя-салқин маскан ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтди. Бу ерда 50 ўринли санаторий ташкил топди. Шифо маскани ушбу қишлоқнинг номи билан "Тўқбой санаторийси" деб аталди. Санаторий асаб, юрак-қон айланиш, нафас йўллари, бўғин оғриқлари, жигар хасталикларини даволашга ихтисослашди.

Бу ерда турли сув муолажалари, балчиқ, уқалаш, физиотерапия, игна билан даволаш усуллари кенг қўлланилмоқда.




''БАРИШ ТИЖАРЕТ'' шуъба ширкати нақд пулсиз тўловларга қуйидаги молларни сотиб олишга эҳтиёжи бор:

1. Пахта ипликлар (№34-1;2 ва №54-1;2).
2. Бўз матолар (эни 145 см. дан юқори ва қалин бўлиши лозим).
3. Жайдари қўйлар терилари (70 дц. дан катталари ва 1 навлари бўлиши лозим).

Шунингдек ушбу ширкатнинг Тошкентдаги омборидан пилорама сотилади (Туркия маҳсулоти). Биз учун ҳар турли тўловлар қулайдир. Маълумот учун телефонлар: 41-00-72, 41-01-72.

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омборидан аравачали *"Урал"* мотоциклларини, хорижда ишлаб чиқарилган эркак ва аёллар туфлиларини, ҳар хил газламаларни, *"Полюс"*, *"ОРСК-416"* маркадаги музлатгичларни, *"Чайка"* тикув машиналарини ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмол молларини сотади.

**Маълумот учун телефонлар:**
***45-47-45; 45-49-52; 45-85-56.***
**Манзилимиз:**
***Тошкент, Шайҳонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1, "Халқлар дўстлиги" метро бекати.***


• *Мавзуга қайтиб*

# СУЗИШ МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

**Газетамизнинг 1993 йил 1 июль сонида "Спортимиз муаммолари" рукни остида "Сузиш миллат танлайдими?" номли мақола берилган эди.**

Унда биз ўзининг моҳир сузувчилари билан дунёга танилган мамлакатимиз спортчилари орасида нима учун ўзбек миллатига мансуб таниқли, ном қозонган сузувчилар йўқлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, муаммонинг бир илдизини мазкур спорт тури бўйича ихтисослашган мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳвол, шарт-шароитларидан қидирган эдик. Сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси, айни пайтда Г. Титов номли спорт интернатида мазкур спорт тури бўйича мураббийлик қилаётган Рихсибой Ваҳобов биз билан ҳамсуҳбат бўлиб, бу борадаги қатор муаммолар ва нуқсонлар ҳақида жиддий мулоҳазаларини айтиб, уларни бартараф этиш тўғрисидаги ўз таклифлари билан ўртоқлашганди. Кеча Рихсибой ака таҳририятимизга хурсанд ҳолда кириб келди. Маълум бўлишича, спорт интернатида собиқ СССР тузумидан қолган асорат — маҳаллий миллат вакилларига нисбатан беписандлик билан қараш кайфиятлари бартараф этилган. Эндиликда ўзбек болалари ҳам сузишга қобилиятли эканлиги спорт интернати фаолиятидаги мусобақаларда ўз намунасини кўрсата бошлабди. Буни сузиш бўйича "Қувноқ дельфинлар" деб номланган Ўзбекистон чемпионатининг натижалари ҳам тасдиқлайди.

— Ушбу чемпионатда республикамизнинг барча бурчакларидан 1980 йилда туғилган ва ундан ёшроқ энг кучли сузувчилар қатнашди, — дейди Р. Ваҳобов. — 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича Шерали Солиҳов 3:14,2 натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. 50 ва 100 метрга сузиш бўйича у иккинчи поғонага кўтарилди. Чалқанча сузиш бўйича Хасан Рашидов 200 метрли масофага иккинчи бўлиб етиб келди. Бир пайтлар сузишга қобилиятсиз саналган икки вакилимиз Дилшод Аширов ва Абдулла Йўлдошев ҳам шу масофа бўйича учинчи ҳамда тўртинчи поғонага кўтарилди. Умуман олганда, ёш сузувчиларимизнинг барчаси "Қувноқ дельфинлар" биринчилигида қандай ўринни эгаллаганликларидан қатъий назар, улар кўрсатаётган натижа жуда яхши. Мен аминманки, улар орасидан дунёнинг энг зўр "дельфин"ларини ортда қолдирувчи истеъдодлар етишиб чиқади.

Ҳа, барча спорт турлари каби сузиш ҳам миллат танламайди. Ҳар бир соҳа каби сузиш ҳам кишидан тинимсиз меҳнат, изланиш, қунт ва сабот талаб қилади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


TASHKOCAUTO




"ТОШКОЧАВТО" TOFAŞ

*ўзбек-турк қўшма корхонаси "Тофаш"*
*(ҳамма русумдаги "Доғаш", "Картал", "Темпра", "Типо-Уно" ва бошқа)*
**автомобилларига тез ва сифатли техник хизмат кўсатишни кафолатлайди.**

**Манзил:**
*Тошкент ш., Ойбек шоҳ кўчаси,47-уй (Метронинг Ойбек номли бекати ёнида).*
*Тел.: 33-83-27, 33-82-69, 54-83-98.*
*Факс: 33-82-69*
**"ТОШКОЧАВТО":**
*автомобил сизники, биздан хизмат.*


Газетамизнинг навбатдаги сони 5 августда чиқади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

خلق سوزی

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров, навбатчи — Б. Норбоев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2 Босишга топширилди — 23.00.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. 1 2 3 4 5 6 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00.